

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Барно Кадирова

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
докторанти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8321107>

Аннотация. Ушбу мақолада қийноқларга қарши курашиш соҳасидаги прокуратура органлари фаолиятининг айрим жиҳатлари келтирилган. Бу борада олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари муҳокама қилинган, уларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Муаллиф мамлакатимизда қийноқларга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўз фикрларини билдирган.

Калит сўзлар: қийноқ, қийноққа қарши кураш, прокуратура, прокурор назорати, БМТ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

Кириш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция”си 1984 йил 10 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган¹ ва 1987 йил 26 июнда кучга кирган. Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ўз юрисдикцияларидаги ҳар қандай ҳудудда қийноқ ҳолатларининг олдини олиш учун самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни қўллаш мажбуриятини зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августдан мазкур Конвенция иштирокчиси ҳисобланади.

Республикаимизда қийноқларга, шафқатсиз муомалада бўлиш, инсоннинг кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг амалда ижроси таъминланмоқда.

Хусусан, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 30 ноябрь куни “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сон Фармони² қабул қилинди.

Фармон талабларига кўра, процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний

¹ Электрон манба: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/torture.shtml

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон <https://lex.uz/docs/3432426>

ёхуд кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан **“Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”³** тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш; жиноятчиликнинг, айниқса одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш **Миллий стратегиянинг устувор вазифалари** сифатида белгиланди.

Асосий адабиётлар таҳлили

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Барча давлат органлари қатори фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмида прокуратура органлари алоҳида роль ўйнайди.

Прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини оширишнинг усулларини таҳлил қилар эканмиз, прокурор назоратини олиб боришда қонунчилик ижросини таъминлаш юзасидан ўтказиладиган текшириш ва текширув усуллари жуда муҳим ҳисобланади. Ҳатто прокурор назоратининг усулларида ҳам прокурор назоратининг ҳуқуқий воситаларини қўллаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган ва тасдиқланган амалиёти тушунилади⁴.

Жумладан, прокуратура органлари давлатнинг назорат органи сифатида конституцияга роия этилиши, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш каби ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчисидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳамда қийноққа қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишдаги ўтказиладиган текширишни самарали ташкил этиш юзасидан бир қанча олимларнинг

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/21/45/1228-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон <https://lex.uz/docs/4872355?ONDATE2=21.04.2022&action=compare>

⁴ Григорьева Н.В. “Прокурорский надзор” Учебное пособие. / Н.В. Григорьева. – 6-е изд. – Москва.: ПИОР: ИНФРА –М, 2017.-С. 4.

фикр мулоҳазаларини кўришимиз мумкин.

Тобиос Келлнинг фикрича қийноққа қарши курашишга қийноқлар ва шафқатсиз муомалага қарши курашда тўртда асосий кенг тарқалган таҳминларни келтириб ўтилган:

- Қийноқлар ҳибсга олиш ва сўроқ қилиш масаласи эканлиги;
- Сиёсий ва ҳафвсизлик маҳбуслари қийноқнинг арҳетипи қурбонлиги эканлиги;
- Ҳуқуқий ислоҳот қийноқларга қарши курашнинг энг яхши усулларида бири эканлиги;
- Инсон ҳуқуқларини таъминлаш мониторинги зўравонликка барҳам беришга ёрдам бериши таъкидланган⁵.

А.Н. Ахпановнинг ўзининг тадқиқот ишида қийноққа қарши курашиш, қийноққа солинишнинг олдини олиш ва тергов қилишда қийноқлар тўғрисидаги шикоятлар, даъволарни кўриб чиқишда алоҳида тартибни назарда тутувчи қоидалар яъни;

- профилактика чораларини қўллаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишда;
- шахс эҳтиёт чораси қўлланилганлиги муносабати билан қамоқда бўлганида;
- судгача бўлган иш юритиш жараёнида;
- прокурор унга келиб тушган жиноят иши юзасидан қарор қабул қилганда;
- ишни дастлабки кўриб чиқишда киритилиши лозимлигини таъкидлаган⁶.

Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш прокурор назоратининг предмети ҳисобланади.

Прокуратура органлари турли хил ваколат ва вазифалари билан бошқа давлат органлари қолаверса, хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилади. Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари турли хил вазифаларни бажаради. Уларнинг фаолияти асосий суриштирув, тергов, қонунчилик ижроси устидан назорат ҳаттоки, суд, адлия органлари ҳузурида ва алоҳида мустақил тарзда ҳам фаолиятини олиб боради. А.Б. Комилов⁷ хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятини икки асосий моделга бўлиб ёритилган. Бунда асосан, биринчи, прокуратура жиноий таъқиб ва айблов идораси ҳисобланса, иккинчи моделда у қонунчилик устидан назорат олиб борадиган органлар сифатида таҳлил этилган. Ушбу қарашларда ҳар битта давлатнинг прокуратура органларининг фаолияти йўналиши ва ваколатидан келиб чиққанлигини кўришимиз мумкин.

Аmmo баъзи ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юзасидан прокуратура органларининг умумий

⁵ Tobias Kelly. “The Struggle Against Torture: Challenges, Assumptions and New Directions” Journal of Human Rights Practice, 11, 2019, 324–333 / doi: 10.1093/jhuman/huz019 / Advance Access Publication Date: 23 July 2019

⁶ Ахпанов А.Н., “Подследственность уголовных дел и другие вопросы противодействия пыткам” доктор юридических наук, профессор, заслуженный работник МВД РК, член Научно-консультативного совета при Верховном Суде РК, академик КазНАЕН. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=32407743&pos=6;-108#pos=6;-108

⁷ Комилов А.Б. “Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражани олиш учун ёзил. дисс...-Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й. –Б. 120.

фаолиятини З.С.Ибрагимов⁸ ва О.Тошев⁹ томонидан таснифлаш 4 гуруҳга бўлиб ўрганилган. Яъни,

- биринчи гуруҳга прокуратура адлия вазирлиги таркибига кирувчи мамлакатлар;
- иккинчи гуруҳга прокуратура бутунлай суд таркибида ёки суд ҳокимияти доирасида маъмурий мустақилликка эга бўлган давлатлар;
- учинчи гуруҳга прокуратура органлари мустақил тизим бўлган ҳамда мамлакат парламенти ёхуд давлат бошлиғи олдида ҳисобдор бўлган давлатлар;
- тўртинчи гуруҳга прокуратура ёки шунга ўхшаш идоралар мавжуд бўлмаган гуруҳларга ажратилган. Бундай таснифлаш бир гуруҳ олимлар А. Алламуратов¹⁰, Д. Хамдамова¹¹ ва Ш.И. Зокировлар¹² томонидан ҳам илгари сурилган.

Мазкур олимларнинг тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилганлиги прокуратура фаолияти ва ваколатидан ҳамда давлат тизимларида тутган ўрни билан фарқланганлиги таҳлил қилинган. Ушбу хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва қийноққа солишнинг олдини олиш юзасидан ўзига хос назоратни олиб бориш давлат тизимида прокуратура органларининг қанчалик таъсирчанлиги билан асосланади. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар ўзларининг миллий қонунчилик, анъаналари, урф-одатлари асосида ҳамда демократик фаолиятларига суянади. Хусусан, давлат органлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ваколатлари ва вазифалари бир-бирини такрорламаслигини ҳам қамраб олади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси

Баъзи мамлакатлар мисол учун Англияда полиция суриштируви жиноий-процессуал фаолият деб ҳисобланмаслигини кўришимиз мумкин¹³. Германия Федератив Республикасида ҳам терговга қадар текширув, суриштирувни олиб боради. Прокуратура оммавий айбловни кўзғатиш ваколати эга ва жиноят иши бўйича иш юритувини амалга оширади. Германияда прокуратура ташкилий жиҳатдан суд тизимининг бир қисми ҳисобланиб, умумий судловнинг ҳар бири суди ҳузурида прокуратура органлари мавжуд. Бироқ, Федерал Бош прокурор маълум бир позицияга эга: Сиёсий давлат хизматчиси сифатида (§ 54 Para. 1 Clause 5 BVG), у Федерал Адлия вазири томонидан исталган вақтда ва бошқа асосларсиз вақтинчалик пенсияга

⁸ Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиклол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) / З.С.Ибрагимов. – Т.: “Noshir” 2011 й. – Б.66.

⁹ Тошев О. “Прокуратура органларининг фаолияти: халқаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”. Ҳуқуқ ва бурч. №8 (188) 2021 й. – Б.21

¹⁰ Алламуратов А.Т., Эргашов А.А. Хорижий мамлакатларда прокуратура: ўқув-қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.н. О.М.Мадалиев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009 й. – Б.8-9

¹¹ Хамдамова Д. Прокуратура органларининг қиёсий таҳлили // “Ҳуқуқ ва бурч”, 2020, №4 (172). – Б.42-43

¹² Зокиров Ш.И. “Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари” дис. ю.ф.ф.д. 2022 й. –Б. 110-115

¹³ Миразов Д.М. “Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари” Докторлик диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси. Тошкент шаҳри -2016 й. –Б. 22.

юборилиши мумкин¹⁴.

Бундан ташқари, Грузия давлатида ҳам прокуратура органлари Адлия вазирлигининг тизимида бўлсада¹⁵, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда терговни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонуннинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш, озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилиши фактларини текшириш ва назорат қилиш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Ҳаттоки, Грузия давлатининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида жиноятчиликка қарши курашни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро келишилган фаолиятини мувофиқлаштиради. Жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, тергов қилиш, фош этиш, чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, қамоққа олиш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида ва бошқа муассасаларда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан текширувлар, қамоққа олинган маҳкумларни ва мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни сўроқ қилиш ва ноқонуний ҳибсга олинган, қамоққа олинган ёки қонунга хилоф равишда жазога тортилган шахсларни дарҳол озод қилиш чораларини кўриш каби прокурор ҳуқуқлари (17,19-моддалари) сифатида келтирилган.

Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, айрим хорижий мамлакатларда прокуратура органлари тизими суд тизими билан бирга ўз фаолиятини олиб боради. Латвия давлатининг прокуратура тизими суд тизими билан боғлиқлиги билан ўз аксини намоён қилади. Латвиянинг 1994 йил 19 майда қабул қилинган “**Прокуратура тўғрисида**”ги қонуннинг 15-моддаси Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг ижро этилиши устидан назорат деб номланиб, прокурор қамоққа олинганлар ва кўриқланадиган шахслар, шунингдек, шахсларни қамоқда сақлаш жойларида жиноий ҳаракатларни фош этиш ва олдини олишга қаратилган назоратни амалга оширади. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони ўтаётган ва қонунда белгиланган ҳолларда жиноий жазони ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади. Прокурор қонунга хилоф равишда ушлаб турилган шахсларни озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан зудлик билан қарор қабул қилишга ҳақли ва мажбурийлиги келтирилган¹⁶.

Хулоса

Таҳлилларга асосланган ҳолда қайд этиш лозимки, ғарб давлатларининг аксариятида прокуратура органлари судларда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишида иштирок этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, жиноят қонунчилиқ соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда прокуратура органлари назорати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятининг узвий боғлиқлиги янада яққолроқ намоён бўлади. Прокурор қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида тезкор қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларида, тергов ҳибсхоналарида, вақтинча сақлаш

¹⁴[https://www.generalbundesanwalt.de/EN/FederalPublicProsecutorGeneral/legal-position-AttorneyGeneral/legal-position-AttorneyGeneral-](https://www.generalbundesanwalt.de/EN/FederalPublicProsecutorGeneral/legal-position-AttorneyGeneral/legal-position-AttorneyGeneral-node.html;jsessionid=362A7873DB0039B2C941147B805BE5BF.intranet662)

[node.html;jsessionid=362A7873DB0039B2C941147B805BE5BF.intranet662](https://www.generalbundesanwalt.de/EN/FederalPublicProsecutorGeneral/legal-position-AttorneyGeneral-node.html;jsessionid=362A7873DB0039B2C941147B805BE5BF.intranet662)

¹⁵ <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/19090/12/ru/pdf>

¹⁶ Закон Латвии «О Прокуратуре». (С изменениями, внесёнными по состоянию на 5 декабря 2019 года) <https://lawyer-khroulev.com/wp-content/uploads/2019/09/Zakon-Latvii-o-prokurate-ru.pdf>

ҳибсхоналарида фуқароларнинг ҳуқуқларини тўғри амалга оширишда, қонунчиликни ижроси тўғри таъминланишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда қийноқларга қарши курашиш, бундай ҳолатларга барҳам бериш борасида ҳам амалий, ҳам назарий ишлар олиб борилмоқда.

Зероки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

References:

1. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/torture.shtml
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. Григорьева Н.В. “Прокурорский надзор” Учебное пособие. / Н.В. Григорьева. – 6-е изд. – Москва: ПИОР: ИНФРА –М, 2017.-С. 4.
4. Tobias Kelly. “The Struggle Against Torture: Challenges, Assumptions and New Directions” Journal of Human Rights Practice, 11, 2019, 324–333 / doi: 10.1093/jhuman/huz019 / Advance Access Publication Date: 23 July 2019
5. Ахпанов А.Н., “Подследственность уголовных дел и другие вопросы противодействия пыткам” доктор юридических наук, профессор, заслуженный работник МВД РК, член Научно-консультативного совета при Верховном Суде РК, академик КазНАЕН. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=32407743&pos=6:-108#pos=6:-108
6. Комилов А.Б. “Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражани олиш учун ёзил. дисс...-Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й. –Б. 120.
7. Ибрагимов З.С. Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси (истиқлол йилларидаги ҳуқуқий мақоми ривожланишининг қиёсий таҳлили) / З.С.Ибрагимов. – Т.: “Noshir” 2011 й. – Б.66
8. Тошев О. “Прокуратура органларининг фаолияти: халқаро қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”. Ҳуқуқ ва бурч. №8 (188) 2021 й. – Б.21
9. Алламурастов А.Т., Эргашов А.А. Хорижий мамлакатларда прокуратура: ўқув-қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.н. О.М.Мадалиев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009 й. – Б.8-9
10. Хамдамова Д. Прокуратура органларининг қиёсий таҳлили // “Ҳуқуқ ва бурч”, 2020, №4 (172). – Б.42-43
11. Зокиров Ш.И. “Прокуратура органларида мурожаатлар билан ишлаш институтини такомиллаштириш масалалари” дис. ю.ф.ф.д. 2022 й. -Б. 110-115
12. Миразов Д.М. “Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари” Докторлик диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси. Тошкент шаҳри -2016 й. –Б. 22.
13. <https://www.generalbundesanwalt.de/EN/FederalPublicProsecutorGeneral/legal-position-AttorneyGeneral/legal-position-AttorneyGeneral-node.html;jsessionid=362A7873DB0039B2C941147B805BE5BF.intranet662>

14. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/19090/12/ru/pdf>
15. Закон Латвии «О Прокуратуре». (С изменениями, внесёнными по состоянию на 5 декабря 2019 года) <https://lawyer-khroulev.com/wp-content/uploads/2019/09/Zakon-Latvii-o-prokurature-ru.pdf>